

Б.Б. БЕРКИНОВ

ЭКОНОМЕТРИКА



ТОШКЕНТ

УЎК: 519.862.6 (075)

КБК 65в6

Б-57

Б-57 Б.Б.Беркинов. Эконометрика. Ўқув қўлланма. –Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 164 бет.

ISBN 978–9943–998–26–1

Ўқув қўлланма «Эконометрикага кириш» фани ўқув дастурига мувофиқ ёзилган. Унда эконометрика предмети, максоди, вазифалари ҳамда эконометрик моделлар ва эконометрик моделлаштириш боскичлари мазмун-моҳияти очиб берилган. Қўлланмада математик ва статистик усулларни макроиктисодий ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларини эконометрик таҳлил ва прогноз қилиш моделларини тузиш ҳамда улар ҳаққонийлигини баҳолаш усуллари аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Қўлланма иктисодиёт соҳаси таълим муассасалари бакалаврият ва магистратура дастури бўйича таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, шунингдек, эконометрикани мустақил ўрганувчиларга мўлжалланган.

* * *

Учебное пособие написана на основе учебной программы «Введение в эконометрику». В нем раскрыты сущность и содержание предмета, цели, задачи и модели эконометрики, а также этапов эконометрического моделирования. В пособии представлены методы построения и оценки достоверности моделей эконометрического анализа и прогнозирования процессов макроэкономики и социально-экономического развития с использованием фактического материала.

Пособие предназначено для студентов обучающихся по программам бакалавриата и магистратуры, преподавателям учебных заведений всех форм обучения, а также для тех кто изучает эконометрику самостоятельно.

* * *

Study kit is written on the basis of learning program on “Introduction to econometrics”. It discloses essence and content of the subject, aims, tasks and models of econometrics, as well as stages of econometric modeling. Study kit describes methods of building and assessment of reliability of econometric analysis models and forecasting of macroeconomic and socio-economic development processes by using factual information.

Study kit is aimed at student studying for bachelors and masters, teachers of any form of educational institutions, as well as for those studying econometrics by selfstudying.

Тақризчилар:

Д.Т.Мухамедиева – техника фанлари доктори, профессор;

Б.Т.Салимов – иктисод фанлари доктори, профессор

Ўқув қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгаши қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилаётган А-2-40 рақамли амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида ёзилган ва чоп этилган.

ISBN 978–9943–998–26–1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2015.

КИРИШ

«Эконометрика» фани иқтисод ва бизнес, педагогика ҳамда ижтимоий соҳа таълим йўналишлари талабалари томонидан ўрганилади. Ушбу фанни ўрганишдан асосий мақсад – реал ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ҳамда жараёнларни моделлаштириш ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш усулларини ўзлаштириш ҳисобланади.

Ушбу ўқув қўлланма Давлат олий таълим стандарти талабаларига мувофиқ Тошкент давлат иқтисодиёт университетидида «Эконометрикага кириш» фани бўйича ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган.

Ўқув қўлланмада бакалаврият таълим йўналишлари бўйича талабаларни ўқитиш учун эконометриканинг асосий тушунчалари, чизикли эконометрик моделлар ва уларни тузиш усуллари кўриб чиқилган. Эконометрик моделларни ишлаб чиқиш, улар ҳаққонийлигини баҳолаш усуллари ва алгоритмлари, вақтли қаторларнинг умумий тавсифи, тренд моделларини тузиш усуллари берилган.

Магистратура ихтисослиги талабалари учун кўп омилли регрессия тенгламаларининг ўзига хос хусусиятлари, мавсумий тебранишлар кўрсаткичларини аниқлаш усуллари, динамик эконометрик моделлар тузиш усуллари ва уларни баҳолаш меъзонлари келтирилган.

Ўқув қўлланманинг ҳар бир боби сўнггида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнларининг микро-макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг эконометрик моделлари статистик маълумотлардан фойдаланиб ишлаб чиқилган ва уларнинг ҳаққонийлиги статистик меъзонлар орқали баҳоланган. Шунингдек, ҳар бир бобда мустақил тайёрланиш учун тест саволлари жавоблари билан берилган.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда муаллиф хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан «Эконометрика» фани бўйича чоп этилган ўқув адабиётларида берилган тушунча ва усуллар кетма-кетлигини тизимли ёндашув асосида содда ва кўргазмали тарзда ифодалашга ҳаракат қилган. Шу боис қўлланмада берилган мате-